

Чилонзорда ноёб усулда бунёд этилган масжид очилди



09:41 / 10.03.2024 3238

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташаббуси билан Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги Ҳасанхон қори жомеъ масжиди қайта барпо этилди.

Hi-tech услубида қуриб битказилган бу масжид намозхонларга байрам тухфаси бўлди. Масжид уч қаватдан иборат. Аввал узоғи 800 намозхонни сиғдира олган масжидда эндиликда бир вақтнинг ўзида 4000 киши ибодат қила олади.

Қайд қилинишича, бу Ўзбекистондаги ҳай-тек услубида қурилган биринчи масжид ҳисобланади.

Масжиднинг аввалги биноси эскилиги, торлиги, кириб-чиқишдаги ноқулайликлар ва мослаштирилган бинода жойлашгани намозхонларга

қийинчиликлар туғдираётган эди. Замонавий кўринишда қайта қад ростлаган муҳташам масжидда эса барча шароит ва қулайликлар яратилган. Масканнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, диний уламолар, имом-домлалар, намозхонлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланишича, ушбу масжид илк бор ноанъанавий, яъни, ҳай-тек услубида қурилган. У бир вақтнинг ўзида 4 минг нафар намозхонни ўз бағрига сиғдира олади. Масжид қурилишига 2021 йилда тамал тоши қўйилган бўлиб, саховатпеша ҳомийлар ҳамда кўнгилли кишилар кўмагида ҳашар йўли билан битказилган. Масжидга Нажмиддин Ҳасанов имом-хатиб этиб тайинланган.